УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Серия: Ф № 017884

ЛИЦЕНЗИЯ

№ 14133

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун

Ушбу лицензия билан *"ASIA PHARM LYUKS" масъулияти чекланган жамиятига тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш* рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган (почта) манзили: *Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Рахимбобоев кўчаси, 4-Б уй.*

СТИР *304961369* Лицензия берилган сана *15.09.2017 йил*

Реестр бўйича тартиб рақами *13713-17* Амал қилиш муддати *15.09.2022 йилгача*

Ваколатли шахс *Б.К.Юсупалиев* (Ф.И.Ш.)

Эслатма. Ушбу лицензия:
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомласи учун татбиқ қилинмайди;
- белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, олий фармацевтик маълумотга эга бўлган дорихона мудири фамилияси кўрсатилган лицензия шартномаси билан қақиқдир;
- амал қилиш муддати тугатилганда ёки бекор қилинганда малкур лицензиянинг асл нусхаси 10 кун ичида лицензияловчи органга қайтарилиши шарт.

Лицензиянин қалбакилаштириш Қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

27.06.2017 Центр "Одно Окно" 166151

СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица (субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "ASIA PHARM LYUKS"
(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "ASIA PHARM LYUKS"
(Сокращенное наименование юридического лица)

27.06.2017 (Число, месяц (прописью), год) За регистрационным номером: 528299

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН): 304961369

Организационно-правовая форма: Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение: город Ташкент, Учтепинский район, Рахимбабаева, 4-Б

Свидетельство выдано: город Ташкент, Учтепинский район, ЦЕНТР "ОДНО ОКНО"
(Полное наименование регистрирующего органа)

ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ

« 15 » сентябр 2017 йил 14525/13713-17-сон Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги - лицензия беришни амалга оширувчи орган (кейинчалик матнда "Лицензияловчи орган" деб юритилади) номидан Вазирнинг биринчи ўринбосари, Низом асосида иш олиб борувчи *Б.К.Юсупалиев* бир томондан ва *"ASIA PHARM LYUKS" масъулияти чекланган жамияти* (кейинчалик матнда "Лицензиат" деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи *Зарипов К.Д.* (лавозими, Ф.И.Ш.) иккинчи томондан, лицензия битимини қуйидаги мазмун ва шартларда туздилар.

I. БИТИМНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Лицензияловчи органнинг *2017 йил « 15 » сентябр 23*- сон қарори билан лицензиатга *тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш* билан шуғулланиш учун лицензия берилди.

1.2. Омборхона мудири ф.и.о. (улгуржи реализация омбори учун) – *Хазратқулов А.Н.*
Дорихона мудири ф.и.о. (дори воситалари тайёрлаш учун) – _____

1.3. Лицензиянинг амал қилиш муддати: *« 15 » сентябр 2017 йилдан « 15 » сентябр 2022 йилгача*

1.4. Фаолиятни амалга ошириш манзили (манзиллари):
Дори-дармонлар омборхонаси:Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Рахимбобоев кўчаси, 4-Б уй.

1.5. Лицензиат фаолиятини лицензия битимида кайд этилмаган манзилларда амалга оширган тақдирда, лицензия ўз кучига эга эмас.

II. "ЛИЦЕНЗИАТ" НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларининг нархини давлат томонидан тартибга солишнинг белгиланган тартибига, шунингдек дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи реализация қилиш доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга қатъий риоя қилиш;

экология ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга қатъий риоя қилиш;

фаолиятни лицензияда кўрсатилган доирада, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзилда (манзилларда) амалга ошириш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш билан шуғулланган ҳолларда штатида фармацевтик маълумотга эга бўлган, шунингдек лавозим йўриқномасига мос равишда малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхона мудирининг мавжудлиги;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган ҳолларда штатда махсус маълумотга эга бўлган, лавозим йўриқномасига мос равишда малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган, дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва сифат назоратига масъул бўлган камида иккита мутахассисининг мавжудлиги;

дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш фаолияти билан шуғулланган ҳолларда штатида олий фармацевтик маълумотга эга бўлган, шунингдек лавозим йўриқномасига мос равишда малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган дорихона мудирининг мавжудлиги;

лицензиялашган фаолият турини амалга ошириш учун мўлжалланган, ўзига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган ва тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳоналарнинг мавжудлиги;

лицензиялашадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт- шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техник базадан, асбоб-ускуналардан, бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлашни, шунингдек дориворсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун ваколатли назорат-таҳлил лабораторияси билан қатъий шартнома тузиш;

фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланган ҳолларда, муддатларда ва миқдорларда йиғимлар, давлат божларини тўлаш.

2.2. Лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, янги пайдо бўлган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилиши санасида айнан бир хил лицензиялашадиган фаолият йўналишига лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг бирлашишида, Лицензиялашувчи фаолият йўналишининг қисмларига лицензиянинг амал қилиши муддати тўхтатилган тақдирда лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга "бир дарча" марказлари ёки Ягона портал орқали тегишли маълумотларни ва амалдаги лицензиянинг аслини илова қилган ҳолда электрон шаклда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этиши шарт.

2.3. Лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш қарорини олган кундан бошлаб, то амал қилишини қайта тиклаш қарорида белгиланган кунга қадар фаолиятини тўхтатиб туради.

2.4. Филиал очилган (ёпилган), фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарган, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхона мудири ёки дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш билан шуғулланувчи дорихона мудири ўзгаган тақдирда, лицензиат лицензияловчи органга "бир дарча" марказларига ўзи келган ҳолда ёки Ягона портал орқали лицензия битимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд янги лицензия битимини тузиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

III. «ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН» МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. Лицензиатнинг лицензия бериш (амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш), лицензия битимига ўзгартириш киритиш ёки янги лицензия битими тузиш тўғрисидаги аризаларини конунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида лицензиатни конунда белгиланган муддатларда хабардор қилиш.

IV. ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат Лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

4.2. Лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини белгиланган тартибда рейдлар текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан ҳисоб мулкдор текширишлари жараёнида ва кўрилган ишларнинг якуни ҳужжатлари бўлмаганда фактлар тўғрисидаги мурожаатлари асосида мажбуриятлар органлари — Ўзбекистон Республикаси ижроия органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг қарорига кўра конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш;

лицензиатдан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг жиддий бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этишни назарда тутувчи қарорлар чиқариш ва лицензиат аниқлаган бузилиш бузилишларни бартараф этиши шарт бўлган муддатларни белгилаш;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш;

ҳужжат юритувчи субъектлар томонидан фармацевтика фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги материалларни конун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

V. ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

«Лицензиатнинг жавобгарлиги»:

5.1. Лицензиат мазкур лицензия битимини 2.1-2.4. бандларида кайд этилган талаблари ва шартларини бажармаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида жавобгардир.

«Лицензияловчи орган» жавобгарлиги:

5.2. Лицензияловчи орган мазкур лицензия битимини 3.1. бандларида кайд этилган талаб ва шартларини бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида жавобгардир.

VI. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ БУЗИЛИШИ РЎЙХАТИ, ЖУМЛАДАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИНГ НАРХИНИ БЕЛГИЛАШ СОҲАСИДА, ЛИЦЕНЗИЯНИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ЁКИ ТЎХТАТИШГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ БУЗИЛИШЛАР.

6.1. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, уни бекор қилиш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

6.2. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин:

лицензиат лицензия битимида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат томонидан ижро этилмаганлиги ҳақидаги қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

6.3. Лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга олиб келувчи лицензия талаби ва шартларининг кўпол бузилишлари қуйидагилардан иборат:

лицензия талаблари ва шартларини, жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархини белгилаш бўйича тартибнинг мунтазам (йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) бузилишлари;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни мувофиқлик сертификатисиз сақлаш ва (ёки) реализация қилиш;

рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини сақлаш ва (ёки) реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхонага фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахснинг мудирлик қилиши;

лицензия фаолиятини лицензия битимида кўрсатилмаган манзилда амалга оширилиши.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Битимни тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

VIII. ЯКУНИЙ БИТИМ

8.1. Лицензия битимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ўзаро келишилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилади.

8.2. Ушбу лицензия битимининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли, лекин битим матнига киритилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конунчилиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш соҳасига доир буйруқлари асосида амалга оширилади.

8.3. Мазкур битим икки нусхада тузилган бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади ва амал қилади:
лицензия амал қилгунга қадар;
янги лицензия битими имзоланишига қадар.

IX. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН»	«ЛИЦЕНЗИАТ»
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
Манзил:	Манзил:
700011, Тошкент ш., Навоий кўч., 12	"ASIA PHARM LYUKS" МЧЖ
ҳисоб: 40141086002627790100054002	[illegible]
ИНН: 200 934 974 ОКОНХ 97300	Тел: +(998 71) 228-58-55
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги	Х/р: 2020 8000 4007 0405 6001
Х/р: 23402000100100001010	АКБ «Ипак Йўли» Чилонзор филиали
МФ БХХКМ Тошкент ш. МФО - 00014	[illegible]
МФО: [illegible]	
Б.К.Юсупалиев	
Ф.А.Рахимкулов	
Г.Х.Зуфарова	М.У.